IQRO JURNALI / 2023
GUVOHNOMA № 060680
E-ISSN : 2181-4341

VOL–2 ISSUE–1
https://wordlyknowledge.uz/
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

ҚИСҚА ВАҚТ ИЧИДА СЎРОВ ЎТКАЗИШ УСУЛИ

Якубова Махмуда Урушваевна
Белорус-Ўзбекистон қўшма тармоқлараро амалий техник квалификациялар институти
“Машинасозлик технологиялари” кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада Мухандислик графикаси фанинига талабалар диққатини янада кўпроқ жалб этиш, машғулотларни тушунарли ва қизиқарли ўтиш усулларидан бири кўрсатилган.

Калит сўзлар: *ўзлаштириш даражаси, оптимал жавоблар, вақт чегараси,жонли дарс.*

Ўзбекистон Республикасининг президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг IX сессиясида қабул қилинган «Кадрлар таёрлашнинг миллий дастури»ни амалга оширишни таъминлаш бўйича қатор муҳим вазифаларни кўрсатиб, жумладан бундай дедилар: “Юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга алоҳида эътибор бериш лозим. Кадрлар тайёрлашнинг сифати, эркин фикрловчи шахс-фуқарони камол топтириш эртага синф хоналарида ва аудиторияларда кимлар дарс беришига боғлиқ”

Талабаларга маъруза ва амалиёт дарслари ўтилгандан сўнг уларнинг қай даражада ўзлаштирганлиги доимо эътиборда бўлиши керак. Чунки ўқтувчи шу ўзлаштириш даражасидан келиб чиқиб кейинги дарс тури ва материал хажмини белгилаб боради.

Доимо бир турдаги дарс ҳам аудиториядаги зерикишни келтириб чиқаради. Дарс қизиқарли, янада жонли ўтишини ўқитувчи ва талаба ўртасидаги мулоқот таъминлайди.

Шуни ҳисобга олган ҳолда дарс давомида тез-тез қисқа сўровлар ўтказиб турилса мақсадга мувофиқ бўлади. Қуйида шундай сўровлардан бирини келтириб ўтамиз.

Қисқа сўровлар ўтказиш карталаридан фойдаланиш мумкин. Вариантлар сони группадаги талабалар сонига боғлиқ бўлиб, талабаларнинг ҳаммасини ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Хар бир вариантда 5 тадан савол мавжуд, хар бир саволга 5 тадан жавоб берилади.

Талабалар шулардан энг тўғрисини ва енг оптималини танлайди. Жавоблар ҳаммаси тўғри бўлади, хато берилиши мумкин эмас. Бундай текширувнинг энг аҳамиятли томони шундаки талабанинг тез фикрлаши, тезда хатони кўра билиши, жавоблар ичидан ўзига керагини танлай олиш имкониятларини яратади.Танлаб олиш давомида талаба ҳар бир жавобни анализ қилиб кўради, биттасини кўрсатади.

Вақтни қатъий чегаралаш мақсадга мувофиқ эмас,чунки талаба 25та чизмани кўриб чиқиши керак.

Саволларга жавоб бериш жараёнида талабалар 3-4-4-5-2 деб ёзадилар. Бу рақамлар эса саволга тўғри келадиган жавоб рақамларини белгилайди.

Ўқитувчи бундай жавобларни тезгина текшириши учун ўзига қаттиқроқ қоғозга тушь билан ёзилган жавоблар картасини тузиб олиши керак. Текширишни контроль вақти давомида бошлаш керак.
Контроль вақтини ўқитувчи белгилайди. Бу вақт темани осон,

қийинлигига, аудиториядаги талабаларга (ўзлаштириш даражаси, тайёргарлиги, фикрлашига) боғлиқ. Бу вақт 15 дақиқадан ошмаслиги керак, акс холда текширув ўз мақсадини ёқатади. Текширув натижаси шу дарс давомида берилади.

Талаба ўзи белгилаган жавобни ўқийди. Ўқитувчи ўзидаги жавоб картаси билан унинг жавобини солиштириб хато жавобини айтади.

Баҳо тўғри жавоблар сонига қараб белгиланади. Текширув тугагач, ўқитувчи жавоблар картасини кўриб, хулоса чиқаради.

Талабалар кўпроқ қайси мавзуларда қийналганлиги аниқланади. Кўриб чиқайётган мисолларимизда шундай ҳулоса чиқариш мумкин. Талабалар 5 мавзуда кўпроқ қийналишган. Шу мавзуга яна тўхтаб ўтиш, кўпроқ диққат қаратиш керак.

Дарс давомидаги бундай текширув талабалар топшириқларини бошқариш ишни, берилган информация билан ўзлаштириш сифатини текшириш оралиғини қисқартириш, дарс давомида талабаларни ўзлаштириш ва фаоллик даражасини текшириш частотасини оширади, талабаларнинг ўзлаштиришини доимий қисқа вақтда текширишга эришилади, иш формасини доимо ўзгартириб бориш талабаларда шу фанга қизиқишни оширади, текширилган вақтнинг ўзида жавобини эшитиш талабалар ишини аниқ баҳолаш имконини беради.

Текширишдан олдин						Текширишдан кейин					
Вариант	Жавоблар тартиб рақами					Вариант	Жавоблар тартиб рақами				
1	3	4	4	5	2	1	3	4	4	5	2
2	5	2	2	4	1	2	5	2	2	4	1
3	2	5	1	3	4	3	2	5	1	3	4
4	4	1	3	2	3	4	4	1	3	2	3
5	1	3	5	1	5	5	1	3	5	1	5

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. И.Рахмонов "Чизмаларни чизиш ва ўқиш" "Уқитувчи" 1992 й.
2. И.Рахмонов "Чизмачиликдан дидактик ўйинлар" "Уқитувчи" 1993Й.
3.В.Ф.Шаталов «Нетрадиционная методика преподавания по начертательной геометрии». Москва. 2007 г.
4.Г.С. Альтшуллер «Теория решения изобретательских задач». Москва. 2010 г.